

Андижон ш.

2022 йил " 5 " январь

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил "30" декабрдаги 27-01-14/6027-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг Андижон филиали директори Ш. Н. Ахмедов (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва Спортнинг яқка кураш турларига ихтисослаштирилган болалар ва усмирлар спорт мактаби номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи *Кажаров Ш.* (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича қуйидагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиши тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептини) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиши шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадilar.

3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (Postpaid) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч) банк куни** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови **100 (бир юз) фоиз** миқдорида олдиндан тўланади. дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг 1-сонли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч) банк куни** ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамидан хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойн) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойнанинг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта қондалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойн учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (ўн) иш куни** мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослангилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойда тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Андижон туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

Кўрсатиладиган хизматлар

1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги - Миллий валюта (сўм)

т/р	Хизматлар номи	ҚҚС билан нархи (миқдори)	Асос	Миқдори	15% ҚҚС билан Тўлов миқдори, (сўмда)
1	2	3	4	5	6
	I. Бир марталик тўловлар				
1.1	Рўйхатдан утиш ва урнатиш учун			1	0,00
	II. Ҳар ойлик абонент тўловлари				
2.1	Бир ойлик абонент тўлови Интернет хизмати учун	450 000,00		3	1 350 000,00
	Жами (олдиндан тўлов)				1 350 000,00

Жами олдиндан тўлов миқдори 1 350 000,00 (бир миллион уч юз эллик минг)сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % миқдорида. Ундан 450 000.00(турт юз эллик минг)сўм ойлик тўловни ташкил қилади.

ОПЕРАТОР:
 “Ўзбектелеком” АК Андижон филиали

АБОНЕНТ:
 Спортнинг яққа кураш турларига
 ихтисослаштирилган болалар ва усмирлар спорт
 мактаби

Оператор номидан:



Ш.Ахмедов

Абонент номидан:



(Handwritten signature)

Спортнинг якка кураш турларига ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби билан АК Узбектелеком Андижон филиали ўртасида тузилган 2022 йил "05" январдаги № 05_2643/2720-сонли шартнома

И Л О В А

(сўмда)

2022 йил ойлари номи	Бюджет				Бюджетдан ташқари			Хаммаси
	7083-620-245				42-92-200			
	42-92-200				42-92-200			
	интернет нукта сони	интернет ойлик тулови	Лимитдан ортиқча	Жами	интернет ойлик тулови	Лимитдан ортиқча	Жами	
Январ	1	450000		450000	0		0	450000
Феврал	1	450000		450000	0		0	450000
Март	1	450000		450000	0		0	450000
1-чорак		1350000	0	1350000	0	0	0	1350000
апрел	0	0		0				0
май	0	0		0				0
июн	0	0		0				0
2-чорак		0	0,0	0,0				0
июл	0	0		0				0
август	0	0		0				0
сентябр	0	0		0				0
3-чорак		0	0,0	0,0				0
октябр	0	0		0				0
ноябр	0	0		0				0
декабр	0	0		0				0
4-чорак		0	0,0	0,0				0
Йил буйича жами				1350000,0			0,0	1350000,0

Жами: Бир миллион уч юз эллик минг сум 00 тийин

Изох:

Шартномада келишилган миқдордан ортиб кетган тақдирда бюджетдан ташқари ҳисоб рақамидан қопланади. Ҳамда бюджет ҳисоб рақами ва бюджетдан ташқари ҳисоб рақамлардан амалга оширилаётган тўловлар учун ҳар бирига алоҳида ҳисоб фактуралар тақдим қилинади.

Бюджет смета харажатларида тасдиқланган лимитдан ортиқча истемоли учун Спортнинг якка кураш турларига ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоб рақамидан ўтказиб беради. Ушбу илова асл шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

ОПЕРАТОР:

АК Узбектелеком Андижон ф.

X/P: 202100001040748838308

Банк номи: АТБ Алоқабанк"Тошкентфилиали"

Стир: 203366731 ОҚОНХ

ОКЭД: 61100 МФО: 00401

Рахбар

АБОНЕНТ:

Спортнинг якка кураш турларига ихтисослаштирилган оларлар
ва ўсмирлар спорт мактаби

Манзил : Андижон шаҳар, Болалар боғи

БТ X/P:

Шх/р: 1000218600340170836620245002

ИНН: 207238934 ОҚОНХ:

Ўзб. Республикаси молия вазирлиги ғазначилиги Ғазна

х/в: 23402000300100001010 Банкнинг номи: Марказий банк Тошкент ш. бош

бошқармаси ХККМ

МФО: 00014 ИНН: 201122919

директор:

И.Хайдаров

Юрист